

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.В.02.08 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭГАМБЕРДИЕВ МЕХМОНЖОН ХУДОЙБЕРДИЕВИЧ

**ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ҚУРУҚЛИК МОЛЛЮСКАЛАРИНИНГ
ГЕЛЬМИНТ ЛИЧИНКАЛАРИ: ФАУНАСИ ВА ТАКСОНОМИЯСИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/B198 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Кучбоев Абдурахим Эргашевич биология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Иззатулаев Зувайд биология фанлари доктори, профессор Шакарбоев Эркинжон Бердиқулович биология фанлар доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.B.02.08 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй, Самарқанд давлат университети биология факультети биноси 2-қават мажлислар зали. Тел.: (+99866) 239-11-40, факс: (+99866) 239-11-40; E-mail: devonxona@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй, Ахборот-ресурс маркази. Тел.: (+99866) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2021 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ражамуродов Зайнитдин Туробович
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси,
б.ф.д., профессор

Кузиев Мирзохид Садуллаевич
Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, б.ф.ф.д. (PhD)., доцент

Хайдаров Хислат Қудратович
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё миқёсида аҳоли сонининг кескин ўсиб бориши билан бир қаторда озиқ-овқат, чорвачилик ва паррандачилик маҳсулотларига бўлган талаб йилдан-йилга ошиб бормоқда. Айниқса оралик хўжайини қуруқлик моллюскалари бўлган гельминтларнинг қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини зарарлашининг кучайиб бориши чорвачилик ва паррандачилик маҳсулотлари миқдори ва сифатини оширишга салбий таъсир этмоқда. Шунга кўра, антропоген босим юқори бўлган ҳудудларида тарқалган қуруқлик моллюскаларини гельминтлар билан зарарланиш кўламини баҳолаш, биологияси ва оралик хўжайинларининг турли экотизимларда тарқалишини аниқлаш уларга қарши уйғунлашган қураш чораларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда турли гельминт турларининг тарқалиши хусусиятларини ва улар билан боғлиқ бўлган эпизотик ўчоқларини шаклланишини аниқлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, турли биоценозлардаги қуруқлик моллюскаларида учрайдиган гельминт турларини инвентаризациялаш, уларни молекуляр идентификациялаш, тарқалиш ўчоқларини асослаш ҳамда кенг тарқалган гельминт турларига қарши қураш усулларини такомиллаштириш устувор йўналишларда илмий изланишлар олиб боришни талаб этмоқда.

Республикамизда чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик тармоқларини ривожлантириш ва ветеринария хизмати самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, қишлоқ хўжалиги ҳайвонларида учрайдиган гельминт касалликлари аниқланди, республика турли ҳудудларини гельминтозлар билан боғлиқ эпизотик вазият баҳоланди ва гельминтозларни олдини олиш ҳамда унга қарши қурашиш чоралари ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни жорий этиш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, Фарғона водийсининг турли табиий-хўжалик регионларида тарқалган қуруқлик моллюскаларида ривожланувчи гельминт личинкалари тур таркибини аниқлаш, молекуляр идентификациялаш ва қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари гельминтозларини олдини олиш бўйича чора тадбирларни ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 28 мартдаги ПФ-5696-сон «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сон «...Чорвачилик тармоғини давлат томонидан кўллаб-қувватлашнинг қўшимча

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

чора-тадбирлари тўғрисида» ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 мартдаги ПҚ-4243-сон «Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технология ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қуруқлик моллюскалари гельминт личинкалари фаунаси ва таксономиясига оид материаллар бир қатор хорижий олимлар A.W.Demiaszkiewicz & I.Przybysz (2003), P.S.Grewal et al. (2003), M.Panayotova-Pencheva, (2006), Köse et al. (2015), R.G.Forsyth et al. (2015), I.B.Igbinosa et al. (2016), M.Nakao et al., (2017), T.Waki (2017), G.C.Onyishi et al. (2018) ишларида баён қилинган. Гельминтлар ва уларнинг оралиқ хўжайинининг молекуляр идентификацияси, филогенияси ва генетик хилма-хиллиги борасидаги тадқиқотлар R.A.Carreno & S.A.Nadler (2003), E.J.Jenkins et al. (2005), Huby-Chilton et al. (2006), S.Kutz et al. (2007), D.Jouet et al. (2010), Köse et al. (2015), C.Lesage et al. (2015) ва J.Hildebrand et al. (2016) ишларида келтирилган.

МДХ мамлакатларида қуруқлик моллюскалари гельминт личинкаларининг морфологияси, биологияси, экологияси ҳамда эпизоотологияда тутган ўрни бўйича тадқиқотлар Т.Гинецинская (1968), Т.Н.Соболева (1971), К.К.Увалиева (1975), В.Я.Панин (1984), Л.Е.Урсова (1986), Э.Н.Король (2000), В.В.Корнюшин (2009), С.О.Мовсеян ва бошқ. (2010), А.А.Лопаткин (2011) ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Ўзбекистон шароитида қуруқлик моллюскалар айрим гельминтларнинг оралиқ хўжайини сифатида ўрганишга доир дастлабки ишларни К.С.Самадов (1963), Б.Салимов (1963), М.А.Султонов (1963), Д.А. Азимов ва бошқ.(1963), Я.У.Убайдуллаев (1971), М.А.Султонов ва бошқ. (1971, 1978), Д.Эрназаров (1972) ва Т.Қ.Қобилов ва бошқ. (1978) ўрганадилар. Кейинчалик Э.Кулмаматов ва бошқ. (1994), Б.Давронов, (1999), А.Э.Кучбоев ва бошқ. (1998), Ф.Д.Акрамова (2003), Б.Х.Рузиев (2008), А.Э.Кучбоев (2009), Э.Б.Шакарбоев (2009) ва бошқалар ўз тадқиқот ишларида айрим ҳудудлардаги гельминтларнинг оралиқ хўжайин сифатида иштирок ҳақида маълумот берадилар.

Бироқ олиб борилган тадқиқотларда қуруқлик моллюскалари организмида ривожланувчи личинкаларнинг морфологияси, зарарланиш динамикаси, биологияси ва оралиқ хўжайинларининг баландлик минтақалари бўйича тарқалишига оид натижалар кузатилмади. Айниқса, қуруқлик моллюскалари ва уларнинг хўжаликдаги аҳамияти, гельминт касалликларни тарқатишдаги роли ҳамда гельминтларнинг личинкалик шакллари ва уларга қарши кураш чораларига етарли эътибор қаратилмаган. Шунга кўра, паразит

гельминт личинкалари фаунаси ва систематикасини аниқлаш, молекуляр-генетик жиҳатдан асослаш, филогениясини тузиш ҳамда уларга қарши курашиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш долзарб илмий-амалий аҳамият касб этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Гулистон давлат университети ва ЎзР ФА Зоология институти илмий тадқиқот ишлари режасининг №А7-53 «Ўзбекистонда гельминт касалликларни тарқатишда иштирок этадиган қуруқлик моллюскаларнинг тур таркибини аниқлаш ва уларнинг хўжалик аҳамияти», №ПЗ-2017092035 «Кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг нематодалари ва инвазия диагностикаси ва профилактикасининг усулларини ишлаб чиқиш» амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Фарғона водийси қуруқлик моллюскалари гельминт личинкаларининг тур таркиби ва тарқалишини аниқлаш ҳамда майда шохли ҳайвонлар гельминтозларини олдини олишнинг илмий асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Фарғона водийсининг турли табиий-хўжалик шароитида қуруқлик моллюскаларида ривожланувчи гельминт личинкаларининг тур таркиби ва тарқалишини аниқлаш;

гельминт личинкаларининг систематик ва морфо-биологик жиҳатдан тавсифлаш;

гельминт личинкаларининг оралиқ хўжайини – қуруқлик моллюскаларининг турли ҳудудлар бўйича тарқалиши ва мавсумий динамикасини аниқлаш;

гельминт личинкаларини ва уларнинг оралиқ хўжайини қуруқлик моллюскаларнинг рибосомал ДНК 18S, ITS1 ва 28S гени соҳалари нуклеотидлар кетма-кетлиги орқали идентификациялаш ва уларни таҳлил қилиш;

моллюскалар орқали ривожланувчи майда шохли қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари гельминтозларини олдини олишни илмий асосларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Фарғона водийси гельминт личинкалари ва оралиқ хўжайин - қуруқлик моллюскалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети Фарғона водийси қуруқлик моллюскалари, гельминт личинкаларининг турлар таркиби, тарқалиши, морфо-биологик хусусиятлари, молекуляр идентификацияси ва гельминтозларнинг олдини олиш чора-тадбирлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида Зоологик, малакологик, молекуляр-генетик ва қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Фарғона водийсининг турли табиий-хўжалик шароитида учрайдиган қуруқлик моллюскаларида гельминтларнинг 3 синф, 3 туркуми, 8 оила, 16 авлодига мансуб 24 турлари личинкаларининг биологик

хусусиятлари аниқланган;

аниқланган 46 турга оид куруқлик моллюскаларни 18 тури гельминтлар учун оралик хўжайин эканлиги исботланган;

куруқлик моллюскаларидан: *Xeropicta candacharica*, *Novisuccinea evoluta*, *Zonitoides nitidus*, *Vallonia costata* ва *Pseudonapaeus sogdianus* турлари 7 тур трематодалар личинкалари учун; *Deroceras laeve*, *Deroceras reticulatum* ва *Fruticicola phaeozona* турлари – 2 тур цестодалар личинкалари учун; *Deroceras laeve*, *Deroceras reticulatum*, *Succinea putris*, *Candaharia levanderi* ва *Zonitoides nitidus* турлари – 3 тур нематодалар личинкалари учун оралик хўжайин сифатида илк бор аниқланган;

илк бор гельминтларнинг оралик хўжайини – куруқлик моллюскаларининг *Angiomphallia regeliana*, *Pseudonapaeus* sp. ва *Xeropicta candacharica* турлари (рДНК 18S, ITS1) молекуляр-генетик жиҳатдан идентификация қилинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

оралик хўжайин бўлган куруқлик моллюскаларининг тарқалиш хусусиятлари ва улардаги гельминт личинкаларнинг мавсумий динамикаси аниқланган;

куруқлик моллюскаларининг гельминтлар личинкалар билан зарарланиш даражаси очиб берилган;

куруқлик моллюскаларидаги гельминт личинкалар орқали ривожланувчи майда шоҳли ҳайвонлар гельминтозларининг олдини олиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқотларни замонавий кўп йиллик илмий-амалий зоологик, паразитологик ва молекуляр-генетик усуллар қўлланилганлиги, барча маълумотлар замонавий дастурлари асосида таҳлил қилинганлиги, олинган натижаларнинг нуфузли илмий нашрларда чоп этилганлиги ҳамда амалий натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги ва уларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Фарғона водийси куруқлик моллюскалари гельминт личинкаларининг турлар таркиби ва тарқалиши аниқланганлиги, гельминт личинкалари ва куруқлик моллюскаларининг молекуляр усуллар ёрдамида олинган тадқиқотлар паразит ва моллюскаларнинг турини аниқ дифференциация қилишда фойдаланиш мумкинлиги, гельминтлар ва уларнинг оралик хўжайини куруқлик моллюскалари нуклеотидлар кетма-кетлиги бўйича маълумотлар халқаро Генбанк базасига жойлаштирилганлиги, ўпка нематодозлари эпизоотик жараёни ва уни ўтишига таъсир этувчи омиллар очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижаларнинг қишлоқ хўжалиги ва ёввойи ҳайвонларнинг гельминт личинкалари билан зарарланишини эпизоотик жараёни ва олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқилганлиги ва амалга оширилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фарғона водийси

куруқлик моллюскаларининг гельминт личинкалари фаунаси ва таксономияси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

куруқлик моллюскалари иштирокида ривожланадиган гельминтозлар ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари юзасидан ишлаб чиқилган амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармалари амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 7 июлдаги 02/23-984-сон маълумотномаси). Натижада чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида, ветеринария ташкилотларида куруқлик моллюскалари иштирокида ривожланадиган гельминтозларни аниқлаш, даволаш ва олдини олиш имконини берган;

куруқлик моллюскалари ва улардаги айрим паразит турларининг рибосомал ДНК 18S, ITS1 ва 28S гени соҳалари нуклеотидлар кетма-кетлиги бўйича маълумотлар Биотехнологик ахборотлар миллий маркази Генбанк базасига жойлаштирилган (Биотехнологик ахборотлар миллий марказининг 2020 йил 10 августдаги маълумотномаси, NCBI). Натижада MF351724.1 - *Angiomphalia regeliana*, MF398496.1 - *Protostrongylus rufescens*, MF398498.1 - *Muellerius capillaris*, MF398532.1 - *Pseudonapaeus sp*, MF398537.1 - *Muellerius capillaris*, MF398539.1 - *Xeropicta candacharica*, MK796127.1 - *Dicrocoelium dendriticum*, MK796833.1 - *Brachylaima sp.* идентификация рақамлари олинган ва турларни молекуляр таксономик ва филогенетик ўрнини асослаш имконини берган;

Фарғона водийси куруқлик моллюскаларининг Hygromiidae, Parmacellidae, Vallonidae, Buliminidae, Ariophantidae ва Succineidae оилаларидан 7 та турдан 100 нусха моллюска намуналари республикада етакчи бўлган “Зоология коллекцияси” ноёб объектига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 28 сентябрдаги 18/1255-2036-сон маълумотномаси). Натижада, намуналар куруқлик моллюскалари фондини бойитган ва турлар хилма-хиллигини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 1 та амалий тавсиянома, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 5 та республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурлиги, мақсад ва вазифалари асосланади, объекти ва предмети тавсифланади, тадқиқотнинг республикамиз фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинади, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар очиб берилган.

Диссертациянинг «**Қуруқлик моллюскалар – гельминтларнинг оралик хўжайини**» номли биринчи бобида дунё ва мамлакатимиз олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотларга асосланган маълумотлар акс этган.

Биринчи бўлим Ўзбекистонда қуруқлик моллюскаларининг ўрганилишига доир айрим тадқиқотларга бағишланган. Унда Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон фаунасида кенг ўрин олган қуруқлик моллюскаларининг географик тарқалиши, тур тавсифи, уларни аниқлаш жадвалини тузиш, эколого-таксономик жиҳатдан тавсиф, баландлик минтақалар бўйича нотекис тақсимланганлиги сабаблари, хўжалик аҳамияти, тарқалишида ўсимликлар қатлами муҳим аҳамиятга эга эканлигини бўйича маълумотлар ёритиб берилган.

Иккинчи бўлим «Қуруқлик моллюскалари - гельминтларнинг оралик хўжайини» деб номланиб, паразит касалликлар, унинг асосий сабабчилари бўлган қуруқлик моллюскаларининг таксономик таркибини, тарқалишини ва оралик хўжайин сифатида иштирок этадиган моллюскаларни ўрганишга бағишланган. Унда гельминтларнинг оралик хўжайини сифатида муҳим роль ўйновчи қуруқлик моллюскалари, дунёнинг кўпгина мамлакатлари, Марказий Осиё ва шунингдек, Ўзбекистонда етакчи олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар ва уларнинг илмий таҳлили бўйича маълумотлар келтирилган.

Учинчи бўлимда молекуляр усуллар орқали гельминт личинкалари ва қуруқлик моллюскаларини ўрганишга бағишланган. Унда қатор хориж ва маҳаллий олимларнинг хўжайра таркибидаги ДНКнинг тузилиши, яъни нуклеотидлар кетма-кетлигидаги ўзгаришларга қараб, организмларни, шу жумладан гельминтлар, уларнинг личинкасининг табиий классификациясини тузишда таксономик белги сифатида, филогенетик ва генетик ўзаро боғлиқлигини ўрганиш, гельминтлар ва уларнинг оралик хўжайинининг молекуляр диагностикаси, филогенияси ва генетик хилма-хиллиги борасида олиб борилган замонавий молекуляр тадқиқотлар натижалари баён қилинган.

Диссертациянинг иккинчи боби қуруқлик моллюскалари гельминтларини ўрганиш услублари ва тадқиқот материалларига қаратилган бўлиб, малакология усуллари, материал териш услуби, анатомик усул, гельминтология услублари, моллюскаларда гельминт личинкаларининг зарарланишини аниқлаш, гельминтолярвоскопик текширув усули, молекуляр-генетик усуллари, ДНК ажратиш, ПЦР-амплификация,

секвенирлаш, нуклеотидларни текислаш ва филогенетик усул, дала ва эксперимент тадқиқотларни ўтказишнинг методик ёндашуви баён қилинган.

Тадқиқот учун материаллар 2016-2020 йиллар давомида Наманган вилоятининг Поп, Чуст, Косонсой, Янгиқўрғон, Учқўрғон, Мингбулоқ, Уйчи, Тўрақўрғон ва Чортоқ туманлари, Фарғона вилоятининг Фарғона, Кува, Данғара, Бешариқ, Олтиариқ ва Риштон туманлари, Андижон вилоятининг Қўрғонтепа, Хўжаобод, Пахтаобод, Андижон, Асака, Марҳамат ва Улуғнор туманларининг текислик, адир ва тоғ олди минтақалари яйловларидаги 46 турдаги қуруқлик моллюскалардан 32636 та намуна йиғилди. Шулардан 18 турга мансуб 12008 та моллюска зарарланганлиги аниқланди. Шунингдек, Фарғона вилояти Фарғона туманидаги Оқбиллол қишлоғида Фарғона давлат университетига қарашли ўқув дала хўжалигидаги 35 та қўй, Наманган вилояти Чуст туманида Рустамов Аббор раҳбарлигидаги «Чуст дашт оқ сув» фермер хўжалигидаги (330 эчки ва 88 қўй) ва Чуст тумани Қорақўрғон қишлоғидаги Эшматов Иброхим (310 эчки) ва Эгамбердиев Нематжонларнинг шахсий хўжаликларидаги (310 та эчки) эчки ва қўйлардан олинган 1146 та намунадаги фекалийлар текширилди ва умумқабул қилинган Берман ва Орлов услуги асосида Я.Д.Никольский (1961), E.Jenkins ва бошқ. (2005) модификациялари асосида гелминтолярвоскопик текширувлар ўтказилди.

Диссертациянинг учинчи боби «**Фарғона водийси қуруқлик моллюскаларининг гелминт личинкалари ва уларнинг морфо-биологияси**» номланиб, унда Фарғона водийси қуруқлик моллюскаларининг гелминт личинкалари, тарқалиши ва морфо-биологик хусусиятлари ва оралиқ хўжайин - қуруқлик моллюскаларининг тарқалиши ва популяциядаги зичлиги бўйича маълумотлар келтирилади. Шунингдек, қуруқлик моллюскаларида учрайдиган гелминт личинкалари турларининг таксономик таркиби, хўжайини, тарқалиши, морфологияси, интенсив экстенсив (ИЭ) ва интенсив инвазияси (ИИ) ва айрим биологик хусусиятлари келтирилган.

Биринчи бўлимида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасига кўра, Фарғона водийси шароитида қуруқлик моллюскаларининг турли органларида учрайдиган гелминтларнинг Trematoda Rudolphi, 1808, Cestoda Rudolphi, 1806 ва Nematoda Rudolphi, 1808 синфлари турларининг личинкалари қайд этилган.

Фарғона водийси қуруқлик моллюскаларида 11 тур трематода, 2 тур цестода ва 11 тур нематода личинкалари аниқланган. Бу гелминтлар билан моллюскаларнинг трематодалар билан зарарланиши ўртача 5,8%, цестодалар билан 0,19% ва нематодалар билан 8,7% ташкил қилган (1-жадвал).

Шу жумладан, трематодалардан: *Tamerlania zarudnyi*, *Brachylecithum parabejani*, *B.kakea*, *Brachylaima aequans*, *Brachylaima sp.*, *Br.mesostoma*, *Urogonimus macrostomus*; цестодалардан: *Davainea proglottina*, *Raillietina sp.*; нематодалардан: *Varestrongylus pneumaticus*, *Crenosoma vulpis*, *Filaroides martis* турлари Ўзбекистонда оралиқ хўжайинлари ҳисобланмиш қуруқлик моллюскаларида биринчи мартаба қайд этилган. Шунингдек, трематодалардан: *Corrigia corrigia*, *Dicrocoelium dendriticum*, *Eurytrema*

pancreaticum, *Hasstilesia ovis*; нематодалардан: *Protostrongylus rufescens*, *P. hobmaieri*, *P. raillieti*, *P. skrjabini*, *P. davtiani*, *Spiculocaulus leuckarti*, *Muellerius capillaris*, *Cystocaulus ocreatus* турлари морфо-анатомик ва эколого-фаунистик жиҳатдан тадқиқ этилган.

1-жадвал

**Фарғона водийси шароитида куруклик моллюскаларининг
гельминт личинкалари билан зарарланиши**

№	Моллюска турлари	Моллюскалар сони	Личинкалар билан зарарланиши		
			Трематода (ИЭ%/ИИ)	Цестода (ИЭ%/ИИ)	Нематода (ИЭ%/ИИ)
1	<i>Cochlicopa nitens</i>	367	25 (6,8) 3-16	-	-
2	<i>C. lubrica</i>	371	14 (3,7) 4-10	-	-
3	<i>Vallonia costata</i>	596	24 (4) 2-8	-	87 (14,6) 2-6
4	<i>Gibbulinopsis signata</i>	144	-	-	3 (2) 1-3
5	<i>Pupilla muscorum</i>	336	29 (8,6) 8-12	-	9 (2,7) 3-8
6	<i>Pseudonapaeus albiplicata</i>	1631	-	-	153 (9,3) 8-16
7	<i>P. sogdiana</i>	232	18 (7,7) 2-9	-	16 (7) 3-7
8	<i>Fruticicola lantzi</i>	312	12 (3,8) 8-18	-	-
9	<i>F. dichrozona</i>	186	6 (3,2) 5-13	-	-
10	<i>F. phaeozona</i>	251	9 (3,5) 1-6	6(2,4) 4-13	-
11	<i>Xeropicta candacharica</i>	4899	465 (9,5) 9-18	-	693(14,1) 8-12
12	<i>Angiomphalia regeliana</i>	176	33 (18,7) 4-14	-	-
13	<i>Deroceras laeve</i>	254	-	8(3,1) 5-10	27 (10,6) 7-12
14	<i>D. reticulatum</i>	283	-	9(3,1) 4-9	6 (2,1) 2-6
15	<i>Candaharia levanderi</i>	113	10 (8,8) 6-8	-	-
16	<i>Zonitoides nitidus</i>	335	17 (5,1) 3-9	-	17 (5), 1-6
17	<i>Novosuccinea evoluta</i>	554	29 (5,2) 2-9	-	-
18	<i>Succinea putris</i>	968	21 (2,2) 2-4	-	24 (2,5) 3-9
	Жами:	12008	702, (5,8%), 1-18	23(0,2%), 4-13	1045(8,7), 1-16

Личинкаларни идентификация қилишда, жумладан протостронгилид, креносоматид ва филяроид личинкаларини аниқлашда аввал уни қобиғидан ажратиб олиб, кейин личинкаларнинг дум қисмини тузилиши ва ўлчамига қараб қайси авлод (оила) ёки турга тегишли эканини аниқлаш мумкин бўлади. Бунда личинкаларнинг дум қисмини узунлиги ва дорсал бўртиқнинг бўлиш ва бўлмаслиги, панцирдаги личинкаларнинг рангига (оч ва тўқ

қорамтир, жигарранг) қараб турларга ажратиш мумкин. Лекин бу билан тўлиқ хулоса қилиб бўлмайди. Ҳозиргача ўпка нематодалари личинкалари турларини идентификация қилишни аниқ диагностик критерийси ишлаб чиқилмаган. Тадқиқот натижаси ўлароқ, ҳар бир гельминт личинка морфологик ўлчамлари олинган.

Фарғона водийси шароитида 18 турга мансуб бўлган қуруқлик моллюскаларидан 24 турга мансуб гельминт личинкалари топилди. Булар гельминтларнинг 3 синф, 3 туркум, 8 оила ва 16 авлодига мансубдир. Қуруқлик моллюскалари трематода личинкалари билан зарарланиш фоизи юқорилиги асосан дикроцелий личинкалари билан зарарланиш ҳисобига тўғри келади. Трематода, нематода ва цестода личинкаларининг оралик хўжайини сифатида аниқланган у ёки бу қуруқлик моллюскалари Ўзбекистон шароитида биз томонимиздан биринчи марта қайд этилган.

Иккинчи бўлимда оралик хўжайин - қуруқлик моллюскаларининг тарқалиши ва популяциядаги зичлиги, айрим биоэкологик хусусиятлари бўйича тадқиқотлар амалга оширилган. Фарғона водийси шароитида моллюскаларнинг тарқалишини ва популяциядаги зичлигини ўсимликларнинг тарқалишига боғлиқ ҳолда водийнинг турли вилоят ҳудудлари бўйича ўрганилган.


Олиб борилган тадқиқотлар натижасига асосланиб, қуруқлик моллюскаларининг популяция зичлиги турли даражадалиги аниқланган. Популяция зичлиги юқори бўлган *X. candacharica* моллюска турининг тарқалиши ва гельминтлар билан зарарланиш юқори бўлган ҳудудларга аниқликлар киритилиб, уларнинг хариталари тузиб чиқилган.

Фарғона водийси вилоятларидаги туманлари кесимида қориноёқлилар синфининг 13 оиласи ва 24 авлодига мансуб бўлган 46 тур қуруқлик моллюскалари ўрганилган. Булар ичида гельминт личинкаларининг оралик хўжайини сифатида иштирок этувчи 18 тур моллюскалар аниқланган. Шулардан 14 тури Наманган вилояти ҳудудида тўғри келган.

Диссертациянинг «**Қуруқлик моллюскалари ва уларнинг гельминт личинкаларини молекуляр идентификациялаш**» деб номланган тўртинчи боби қориноёқли моллюскаларидаги трематода личинкаларининг молекуляр идентификацияси, нематода личинкалари ва уларнинг оралик хўжайини қориноёқли моллюскаларнинг молекуляр идентификациясига бағишланган.

Биринчи бўлимда Наманган вилояти Чуст ва Косонсой туманларида тарқалган учта тур қуруқлик моллюскаларидан иккита трематода тури личинкалари *Dicrocoelium sp.* ва *Brachylaima sp.*ларнинг мавжудлиги ва тарқалиши аниқланган (1-расм).

Молекуляр иш учун қориноёқли моллюскаларнинг умумий 439 та намунаси йиғилган. Намуналар Косонсой сув омбори яқинидаги яйловларда боқиладиган қўй, эчки ва қорамоллар мавжуд жойлардан *Xceropicta candacharica* туридан 262 та, «Баҳористон» қишлоғидан *Angiomphalia regeliana* - 82 та ва Ғовасой қишлоғидан *Pseudonapaeus sogdiana* - 95 та моллюскалар йиғилган (2-жадвал).



1 - расм. Оралиқ хўжайин - қуруқлик моллюскалари (чиғаноклар): А) *Xeropicta candacharica*. Б) *Angiomphalia regeliana*. Г) *Pseudonapaeus sogdiana*. ва трематодаларнинг личинкалик босқичлари: В) *Dicrocoelium dendriticum* церкарийси. Д) *Brachylaima* sp. церкарийси.

2-жадвал

Фарғона водийси қуруқлик моллюскаларида *Dicrocoelium dendriticum* ва *Brachylaima* sp. личинкаларининг тарқалиши

Қориноёқли моллюскалар	n	<i>D. dendriticum</i>		<i>Brachylaima</i> sp.	
		ЭИ (%)	ИИ	ЭИ (%)	ИИ
<i>Xeropicta candacharica</i>	262	28 (10.7)	54-110	-	-
<i>Pseudonapaeus sogdiana</i>	95	-	-	3 (1.6)	8-19
<i>Angiomphalia regeliana</i>	82	8, (9.7),	14-78	-	-
Жами:	439	36 (10.2)	14-110	3 (1.6)	8-19


Тадқиқот ишимизда трематода личинкаларининг тур таркибини молекуляр жиҳатдан аниқлаш учун намуналарини рибосома ДНКси 28S генини қисман нуклеотидлар кетма-кетлигини бўйича амплификация қилинган ва секвенирланган. Олинган кетма-кетликларни Генбанк маълумотларига кўра, биринчи намуналар (*A. regeliana* ва *X. candacharica* олинган) солиштирилганда *D. dendriticum* трематодасига 100% ўхшашлик бўлди, *P. sogdiana* моллюскасидан олинган личинкалар эса *Brachylaima* sp. турига 98% ўхшаш бўлган.

Олинган нуклеотидлар кетма-кетлиги натижалари ва Генбанкдаги маълумотлар асосида *Dicrocoeliidae* ва *Brachylaimidae* таксонлари ёрдамида қурилган филогенетик дарахт тузилган. Бунда *Dicrocoelium* авлоди турлари кетма-кетлиги битта кладга бирлашди, умумий ишончли фарқни кўрсатувчи нодал статистик қўллаб-қувватлаш билан учта тармоғ ҳосил қилган.

Brachylaima sp. церкарийлари ва Генбанкдан олинган *B. virginicum* ва *Brachylaima sp.* таксонлари ҳам турларни аниқ фарқлаш билан битта ягона кладга бирлашди. Ушбу трематода турлари *Dicrocoeliidae* ва *Brachylaimidae* оилалари алоҳида катта оилаларига мансуб бўлган гуруҳдир.

Иккинчи бўлим оралиқ хўжайин – қуруқлик моллюскалари ва улардан топилган нематода личинкаларининг молекуляр идентификациясига бағишланган.

Табийй биоценоздан йиғилган қуруқлик моллюскалар дастлаб, ташқи морфологик кўриниши, яъни чиғаноғи бўйича ажратилиб, кейин уларни гельминт личинкалар билан зарарланганлиги аниқланган. Ўрганилаётган қуруқлик моллюскалар морфотипларига кўра 3 та гуруҳга ажратилган: оқ чиғаноқлар, улар *Xeropicta* авлодига мансуб; жигарранг чиғаноқлар, *Angiomphalia* авлодига тўғри келади; кичик бурамали чиғаноқлар, морфологик хусусиятлари *Pseudonapaesus* авлодига хосдир (2-расм. 3-жадвал).



2-расм. Қуруқлик моллюскаларининг ПЗР маҳсулотлари рДНК соҳасининг электрофорездаги фракцияси (А-18S; Б-ITS1). М - Маркер; 1-3 – оқ чиғаноқ; 4,5 – жигар ранг чиғаноқ; 6,7 – кичик бурамали чиғаноқ; К - Контроль (сув); 9 - Позитив контроль (L3).

Ўтказилган молекуляр тадқиқотлар натижасида оқ чиғаноқ (А), жигар ранг чиғаноқ (Б) ва кичик бурамали чиғаноқ (В) намуналаридан 662 ж.н. кетма-кетлиги ажратиб олинди. Олинган нуклеотидлар кетма-кетлиги халқаро Генбанк маълумотлари билан тақоқосланди. Тадқиқот ишидаги *Xeropicta* авлодига тегишли оқ чиғаноқли моллюскалар – *X. derbentina* (Европада кенг тарқалган тур) моллюскасига ўхшаш бўлиб, 99% яқинлиги аниқланди. *X. candacharica* тури эса Генбанк базасида мавжуд эмас.

Жигарранг моллюскалар *Angiomphalia regeliana* мансуб бўлиб, бу тур ҳам Генбанк базасида топилмади ва у учун янги бўлди. Кичик бурамали чиғаноқ намуналари *Pseudonapaesus maydanica* моллюскасига 99% ўхшашлиги аниқланди. Демак, бу *Pseudonapaesus* авлодига тегишли алоҳида тур бўлиб, уни *Pseudonapaesus sp.* деб аниқладик. Демак, ўрганилган барча турлар Генбанк базаси учун янги бўлиб, биз томондан биринчи марта жойлаштирилди ва тегишли кириш рақамлари олинган (3-жадвал).


Молекуляр таҳлиллар учун фойдаланилган қуруқлик моллюскалар ва улардан ажратилган гельминт личинкалари ҳамда Генбанкга кириш рақамлари

Қориноёқли моллюскалар			Ўрганилган ген соҳаси		Паразит		Ўрганилган ген	
№	Йиғилган худуд	Морфологик идентификация	Молекуляр идентификация	18S	ITS-1	Тажрибадаги L3	Турлар	D2
1	Наманган, Косонсой	Морфотип А Оқ чиғаноқ	<i>Xeropicta candacharica</i>	MF398539	MF398492	3	<i>Protostrongylus rufescens</i>	MF398496
2	Наманган, Косонсой	Морфотип Б Қўнғир чиғаноқ	<i>Angiomphalia regeliana</i>	MF351724	MF351722	3	<i>Muellerius capillaris</i>	MF398537
3	Наманган, Хазратишох	Морфотип В Кичик бурамали чиғаноқ	<i>Pseudonapaeus</i> sp.	MF398532	MF398538	2	<i>Muellerius capillaris</i>	MF398498


Шундай қилиб, тадқиқотимиз натижасига кўра, дастлаб қориноёқли моллюскаларнинг морфологияси бўйича аниқлашда чиғаноғининг характерига кўра турлар 3 та морфотипларга ажратилди. Анатомик-морфологик ва молекуляр натижалар асосида бу чиғаноқлар *Buliminidae* ва *Hugromiidae*, оилаларига мансуб бўлиб, улар *Pseudonapaeus* sp., *Angiomphalia regeliana*, ва *Xeropicta candacharica* турлари эканлиги маълум бўлди (3-расм).

Кейинги тадқиқотимизда ушбу юқорида келтирилган *X.candacharica*, *A. regeliana* ва *Pseudonapaeus* sp. моллюскалари органларидан топилган нематода личинкаларини аниқлашда учинчи босқичли личинканинг морфологик таҳлили меъерий морфологик критерий, белгиларга асосланиб тадқиқ этилган. Тадқиқотларимиз натижасида кўра топилган личинкалардан бири *Protostrongylinae* кенжа синфи личинкаларига ўхшаш бўлиб, тўқ рангли, думнинг дорсаль қисми бўртиқсиз, қолганлари эса *Muelleriinae* кенжа синфи турлари сингари жигарранг бўлиб, дум қисмида дорзал бўртиғи бор.

Тадқиқотлар натижасида *Protostrongylinae* (А) ва *Muelleriinae* (Б) намуналаридан рДНК 28S соҳасидан қисман 352 ж.н. амплификация қилинди ва нуклеотидлар кетма-кетлиги ажратиб олинган. Бу кетма-кетликлар халқаро Генбанк базаси маълумотлари билан солиштирилди. Натижада *Protostrongylinae* (А) намунаси *P.rufescens* билан 100% тўғри келди. *Muelleriinae* (Б) намунаси *Muellerius capillaris* турига 99 - 100% тўғри келди (4 А, Б-расм). Шундай қилиб, нематодаларнинг *Protostrongylus rufescens* личинкаси *Xeropicta candacharica* моллюскасидан, *Muellerius capillaris* тури эса *Angiomphalia regeliana* ва *Pseudonapaeus* sp. моллюскаларидан топилганлиги аниқланди.



3-расм. Максимально достоверно построенное на основе данных 1395 нуклеотидов сайта 18S и ITS-1 сохранившихся парных нуклеотидов филогенетическое древо. Таксон *Cochlicopa nitens* (Y16765.1) использован в качестве внешнего таксона. A = Buliminidae, B = Hygromiidae; C = Agriolimacidae и Parmacellidae.



4-расм. *Xeropicta candacharica* моллюскаси оёқ кафтидаги инвазион личинкалар.
(A) Protostrongylineae ва (Б) Muelleriinae.

Мазкур илмий тадқиқотимизда паразитларни янада яхшироқ тушуниб етишдаги янги маълумотлар, ўз навбатида улар кўзгатадиган, содир бўладиган касаллик оқибатларини самарали тарзда назорат этиш имкониятларини берган.

Диссертациянинг «Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг нематода личинкалари билан зарарланиши эпизоотик жараёни ва олдини олиш чора тadbирлари» бешинчи бобида Фарғона водийси майда шохли ҳайвонларининг ўпка нематодалари билан зарарланиш (куруқлик моллюскасида ривожланувчи) динамикаси, ҳайвонларнинг ўпка нематодалари билан зарарланишининг эпизоотик жараёни ва унинг

омиллари, куруқлик моллюскалари иштирокида ривожланадиган ўпка нематодозлари ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирларига доир маълумотлар келтирилган.

Фарғона водийси майда шохли ҳайвонларда нематодалар, жумладан нафас олиш йўлларида паразитлик қилувчи ўпка нематодаларининг (протостронгил, мюллерий, цистокаул) йил мавсумлари ва ҳайвон ёши динамикасини ўрганиш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилган. Тадқиқотлар асосан Наманган вилояти Чуст, Косонсой ва Поп туманлари, Фарғона вилояти Сўх, Бешариқ ва Қува туманларида ва Андижон вилояти Асака ва Қўрғонтепа туманларига қарашли шахсий ва фермер хўжаликларига тегишли майда шохли ҳайвонлар фекалийларини гельминтологик текшириш орқали амалга оширилган.

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, текширилган вилоятларда ҳайвонларнинг ўпка нематодалари билан зарарланиши ўртача 22,6% ни ташкил этган. Зарарланишнинг юқори кўрсаткичи Наманган вилояти ҳудудида қайд этилган (29,1%). Қўйларда протостронгилидлар билан зарарланиш динамикаси эчкиларга ўхшаган бўлади. Бироқ, бу кўрсаткич эчкиларга нисбатан қўйларда нисбатан камроқдир.

Чуст туманида олиб борилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, баҳорнинг охирларига келиб, бир ёшгача бўлган улоқларда протостронгил личинкалари 5,0%, цистокауллар – 3,0% ташкил қилган. Ёзнинг охирларига келиб, инвазия экстенсивлиги протостронгил учун 19,0%, цистокаул – 18,0% гача ошган. Кузда зарарланиш, тегишли 24,0% ва 22,0% ташкил қилди. Қишда эса, протостронгил ва цистокауллар кўрсаткичи энг юқори – 27,0% ва 26% етган.

Бир ёшдан икки ёшгача бўлган эчкиларда протостронгиллар билан зарарланишнинг энг юқори кўрсаткичи кузда – 43,0% ва цистокауллар 39,0% қайд этилган. Катта эчкиларда ҳам худди шундай (56% ва 48%) юқори кўрсаткич кузатилди.

Қўйларда протостронгилидлар билан зарарланиш динамикаси эчкилардагига ўхшаган бўлади, қўйларда нисбатан камроқ. Биз қўйларнинг зарарланиш даражаси энг юқори кўрсаткичга эга бўладиган – баҳор ва кузги кўтарилишни қайд этдик. Кузатув натижаларига кўра, қўйлар протостронгилидлар билан тоғ олди минтақасида баҳорда, тоғ минтақасида ёзда ва тоғ олди минтақасида кузда зарарланади.

Зарарланишнинг кузда кўпайиши қўйларнинг ёзда тоғ минтақасида зарарланиши оқибатида рўй беради. Баҳоргиси эса қўйларнинг ўтган кузда ва баҳорнинг бошларида тоғ олди минтақасида зарарланганлиги билан боғлиқ. Зарарланишнинг экстенсивлиги, интенсивлиги ана шу пайтда энг юқори кўрсаткичга эга бўлади. Бу маълумотлар ҳайвонлар протостронгилидозиди бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижаларини тасдиқлайди.

Ўпка нематодозлари эпизоотик жараёнини пайдо бўлиши ва ривожланиши қуйидаги ўзаро ҳаракатдаги биологик кучларга боғлиқ: паразит (ўпка нематодозлари қўзғатувчиси манбаси), унинг оралик хўжайини (куруқлик моллюскалари), қўзғатувчининг юқиш механизми ва қўзғатувчига

мойил ҳайвон.

Олинган илмий тадқиқотлар натижалари ва адабиёт маълумотларидан фойдаланган ҳолда, қуруқлик моллюскалари ёрдамида ривожланувчи айрим трематодоз ва нематодоз касалликларининг тавсифи, кўзгатувчиларнинг морфологияси ва ривожланиши, эпизоотологик маълумотлар, касалликларнинг клиник белгилари, патолого-анатомик ўзгаришлар, касалликнинг диагностикаси ва олдини олиш чоралари бўйича тавсиянома ишлаб чиқилган.

ХУЛОСАЛАР

«Фарғона водийси қуруқлик моллюскаларининг гельминт личинкалари: фаунаси ва таксономияси» мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Фарғона водийси худудида тарқалган қуруқлик моллюскаларида 24 турга мансуб гельминт личинкалари аниқланиб, улар цестода, трематода ва нематода синфи вакиллари ҳисобланди. Булар гельминтларнинг 3 синфи, 3 туркуми, 8 оиласи ва 16 авлодига мансуб эканлиги билан изоҳланади. Оралиқ хўжайин қуруқлик моллюскаларида цестода синфидан 2 тур, трематода ва нематода синфидан 11 тадан тур гельминт личинкалари ривожланади.

2. Қуруқлик моллюскаларнинг гельминт личинкалари умумий зарарланиши ўртача 4,9% бўлиб, шу жумладан трематодалар – 5,8%, цестодалар – 0,19% ва нематодалар – 8,7% ни ташкил этади.

3. Қуруқлик моллюскаларидан: *Xeropicta candacharica*, *Novisuccinea evoluta*, *Zonitoides nitidus*, *Vallonia costata* ва *Pseudonapaeus sogdianus* турлари 7 тур трематодалар личинкалари учун; *Deroceras laeve*, *Deroceras reticulatum* ва *Fruticicola phaeozona* турлари – 2 тур цестодалар личинкалари учун; *Deroceras laeve*, *Deroceras reticulatum*, *Succinea putris*, *Candaharia levanderi* ва *Zonitoides nitidus* турлари – 3 тур нематодалар личинкалари учун Ўзбекистонда оралиқ хўжайин сифатида илк бор аниқланди.

4. Фарғона водийси худудида 46 турга оид қуруқлик моллюскалари қайд этилиб, улар 1 та синф, 13 оила ва 24 авлодга мансуб бўлди. Улардан, гельминтларнинг оралиқ хўжайин 18 турни ташкил этади.

5. Молекуляр тадқиқотлар учун қуруқлик моллюскалари *Dicrocoelium sp.* ва *Brachylaima sp.* трематода личинкалари билан зарарланганлиги ўрганилди. Натижада, *Dicrocoelium sp.* личинкалари билан *Xeropicta candacharica* моллюскаси 10,7%, *Angiomphalia regeliana* моллюскаси 9,7% га, *Brachylaima sp.* личинкалари билан эса *Pseudonapaeus sogdianus* моллюскалари 3,1% зарарланади. Личинкаларнинг инвазия интенсивлиги 8 - 110 тага етганлиги билан изоҳланади.

6. *Dicrocoelium sp.* ва *Brachylaima sp.* личинкалари рибосомал ДНК 28S соҳаси генининг қисман нуклеотид кетма-кетликлари натижасига кўра *X. candacharica* ва *A. regeliana* моллюскасидаги личинкалар *D. dendriticum* трематодасига 100% ўхшаш, *P. sogdiana* моллюскасидаги личинка *Brachylaima sp.* трематодасига 98% ўхшаш ҳисобланади.

7. Гельминтлар учун оралик хўжайини ҳисобланган қуруқлик моллюскалари чиғаноқ тузилишига кўра 3 та морфотипли гуруҳга (оқ, жиггаранг ва кичик бурамали чиғаноқлар) ажралади. Молекуляр (рДНК 18S, ITS1) ва қўшимча анатомо-морфологик тадқиқотлар улар *X. candacharica*, *A. regeliana* ва *Pseudonapaeus* sp. турларига тегишлидир.

8. Моллюскаларнинг *X. candacharica*, *A. regeliana* ва *Pseudonapaeus* sp. турларида Protostrongylidae оиласига мос келадиган гаплотипли личинкалар топилиб, молекуляр-генетик таҳлиллар (рДНК 28S) бу нематода личинкалари *Protostrongylus* авлодига мансуб бўлган *P. rufescens* (100%) ва *Muellerius* авлодига таалуқли *M. capillaris* (99%) турлари эканлигини кўрсатди.

9. Фарғона водийси худудида майда шохли ҳайвонларнинг нематода билан зарарланиши ўртача 22,6% ни ташкил этиб, зарарланишнинг юқори кўрсаткичи Наманган вилояти худудида (29,1%) қайд этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019. В.02.08 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

НАМАНГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ЭГАМБЕРДИЕВ МЕХМОНЖОН ХУДОЙБЕРДИЕВИЧ

**ЛИЧИНКИ ГЕЛЬМИНТОВ НАЗЕМНЫХ МОЛЛЮСКОВ
ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ: ФАУНА И ТАКСОНОМИЯ**

03.00.06 - Зоология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В.2018.2.PhD/B198

Диссертационная работа выполнена в Наманганском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу (www.samdu.uz) и в Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: **Кучбоев Абдурахим Эргашевич**
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Иззатуллаев Зувайд**
доктор биологических наук, профессор

Шакарбоев Эркинжон Бердикулович
доктор биологических наук, профессор

Ведущая организация: **Ферганский государственный университет**

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2021 года в ____ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.B.02.08 при Самаркандском Государственном Университете (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, дом 15, конференц-зал Самаркандкого Государственного Университета. Тел.: (+99866) 239-11-40, факс: (+99866) 239-11-40; E-mail: devonxona@samdu.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрировано под № ____). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, дом 15, Центр информационных ресурсов. Тел.: (+99866) 239-11-51.

Автореферат диссертации разослан: « ____ » _____ 2021 г.
(реестр протокола рассылки № « ____ » от _____ 2021).

Ражамуродов Зайнитдин Туробович
Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.б.н., профессор

Кузиев Мирзохид Садуллаевич
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.ф.б.н. (PhD).

Хайдаров Хислат Қудратович
Председатель Научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых степеней,
д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Настоящее время наряду с быстрым ростом населения мира, год от года растет спрос на продукты питания, продукцию животноводства и птицеводства. Увеличение зараженности сельскохозяйственных животных гельминтами, особенно наземными моллюсками, являющимися промежуточными хозяевами, отрицательно сказывается на увеличении количества и качества продукции животноводства и птицеводства. Соответственно, важно оценить степень заражения наземными моллюсками гельминтами, распространенными в районах с высокой антропогенной нагрузкой, определить биологию и распределение промежуточных хозяев в различных экосистемах и разработать скоординированные меры борьбы с ними.

Большое внимание уделяется определению особенностей распространения различных видов гельминтов в мире и формированию с ними связанных эпизоотических очагов. В связи с этим инвентаризация видов гельминтов, встречающихся у наземных моллюсков в различных биоценозах, их молекулярная идентификация, обоснование очагов распространения и совершенствование методов борьбы с общими видами гельминтов требуют исследований в приоритетных областях.

В Республике особое внимание уделяется развитию животноводства, птицеводства, рыбоводства и других отраслей, а также повышению эффективности ветеринарного обслуживания. В связи с этим принимаются конкретные меры по своевременному выявлению заболеваний, встречающихся у сельскохозяйственных животных, ведению мониторинга эпизоотической ситуации, связанной с гельминтозами в различных регионах Республики и разработке мер по профилактике и борьбе с гельминтозами. Так, одной из задач Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан является «...внедрение интенсивных методов в сферу сельскохозяйственного производства».¹ Исходя из этих задач, большое научное и практическое значение имеет разработка мероприятий по определению видового состава, молекулярной идентификации и профилактике гельминтозов сельскохозяйственных животных, борьба с наземными моллюсками – промежуточными хозяевами, распространенных в различных природно-хозяйственных регионах Ферганской долины.

Данное диссертационное исследование, в определенной степени, послужит реализации задач, предусмотренных Постановлением Президента Республики Узбекистан № ПП-4947 «О Стратегии действий дальнейшего развития Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года «О дополнительных мерах государственной поддержки отрасли животноводства» и Указом № УП-5696 от 28 марта 2019 г. «О мерах по коренному совершенствованию системы государственного управления в ветеринарии и животноводстве», Указом Президента Республики Узбекистан

¹ Указ Президента Республики Узбекистан № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года

№ УП-4576 «О дополнительных мерах государственной поддержки животноводческой отрасли» от 29 января 2020 года, Указом Президента Республики Узбекистан № УП-4243 «О мерах по дальнейшему развитию и поддержке животноводческой отрасли» от 18 марта 2019 года, а также других нормативно-правовых документов, касающихся данной сферы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование проводилось в соответствии с приоритетным направлением развития науки и техники Республики V. "Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды".

Степень изученности проблемы. Материалы по фауне и систематике личинок гельминтов наземных моллюсков отражены в работах ряда зарубежных ученых, таких как A.W. Demiaszkiewicz & I. Przybysz (2003); P.S. Grewal et al. (2003); M. Panayotova-Pencheva (2006); Köse et al. (2015); R.G. Forsyth et al. (2015); I.B. Igbiosa et al. (2016); M.Nakao et al. (2017); T.Waki (2017); G.C. Onyishi et al. (2018). Представлены результаты исследования по молекулярной идентификации, филогении и генетического разнообразия гельминтов и их промежуточных хозяев, такими учеными как R.A.Carreno & S.A.Nadler (2003); E.J.Jenkins et al. (2005); Huby-Chilton et al. (2006); S.Kutz et al. (2007); D.Jouet et al. (2010); Köse et al. (2015); C. Lesage et al. (2015) и J. Hildebrand et al. (2016).

Исследования по морфологии, биологии, экологии и роли личинок гельминтов в эпизоотологии наземных моллюсков в странах СНГ проводились Т. Гинецинской (1968); Т.Н. Соболевой (1971); К.К. Увалиевой (1975); В.Я. Паниным (1984); Л.Е. Урсовой (1986); Э.Н. Король (2000); В.В. Корнюшиным (2009); С.О. Мовсесян (2010); А.А. Лопаткиным (2011) и др.

